

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОДЖАЕВА ДИЛАФРЎЗ ИЗАТИЛЛОЕВНА

**ТИЛШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК
ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ИЗОҲЛИ
ЛУҒАТЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

УДК: 81'373:81'374.3
[=111/=512.133/=161.1]

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Ходжаева Дилафрўз Изатиллоевна

Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили
(инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари
мисолида) 3

Ходжаева Дилафруз Изатиллоевна

Лексикографический анализ лингвистических терминов
(на материале толковых словарей английского, русского
и узбекского языков) 25

Khodjaeva Dilafruz Izatilloevna

Lexicographic analysis of linguistic terms (on the basis of materials of
explanatory dictionaries of the English, Russian and Uzbek languages) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОДЖАЕВА ДИЛАФРЎЗ ИЗАТИЛЛОЕВНА

**ТИЛШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК
ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ, РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ИЗОҲЛИ
ЛУҒАТЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.2.PhD/Fil.213 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзаев Ибодулла Камолович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умархўжаев Мухтор Эшонхўжаевич
филология фанлари доктори, профессор

Насруллаева Нафиса Зафаровна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

Г.Х.Боқиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг сўнги ва XXI асрнинг дастлабки йилларида терминологиянинг мустақил йўналиш сифатида тараққий этиши, турли тилли луғатларнинг яратилиши, миллий терминология ва терминографияни ривожлантириш қиёсий аспектдаги тадқиқотлар қамровини кенгайтди. Ҳозирги даврда терминология мулоқот жараёнида ахборот манбаи, турли ихтисосликларни ўзлаштириш, илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш воситаси сифатида хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, мазкур соҳадаги илмий изланишларга бўлган эҳтиёжни янада оширади. Бинобарин, соҳавий терминларни тартибга солиш ва унификациялаш, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги изоҳли луғатларни чоғиштириш асосида илмий хулосалар чиқариш бугунги фаннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Замонавий дунё тилшунослигида терминологиянинг ўрни, умумий ва хусусий терминология муаммолари, шунингдек, тилшунослик терминларини тартибга солиш жараёни билан боғлиқ тадқиқотлар бир тил доирасида муайян даражада амалга оширилаётган бўлса-да, тилшунослик терминларининг лексикографик талқини бир неча тил изоҳли луғатларини чоғиштириш кесимида ўрганилмаган. Айти пайтда турли тизимга мансуб бўлган тилшунослик терминларини саралаш, унификациялаш, таснифлаш, кодификациялаш, изоҳлаш, уларнинг функционал, лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ислоҳотлар даврида ахборот алмашиш кўламининг тобора кенгайиб бориши, мамлакатимизнинг умумжаҳон глобаллашув жараёнига фаол интеграциялашиб бораётгани хорижий тилларни ўргатиш ва ўрганишга бўлган эътиборни янада кучайтирди, тилларнинг қўлланиш ва татбиқ доирасини кенгайтди. Президентимиз таъкидлаганидек, «Кейинги йилларда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида янада чуқур интеграциялашувини таъминлаш мақсадида чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўқитишнинг комплекс тизими яратилиб, амалда кенг жорий этилмоқда»¹. Бинобарин, турли тилларга мансуб терминларни қиёсий ўрганиш, изоҳлаш асосида ўзбек тилининг бой ва нафосатли тил сифатидаги мавқеи, нуфузини белгилаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари

¹ЎЗР Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сон Фармони / Lex.uz.

хамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз ва бошқа хорижий тилларда² ҳамда рус тилшунослигида³ умумий ва хусусий терминология бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбек тилшунослигида терминология масалалари М.Э.Умархўжаев, И.Х.Садыкова, С.Х.Нурматова, О.Турсунова, П.П.Нишонов, О.С.Ахмедов, Д.Х.Кадирбекова, Ҳ.В.Мирзахмедова ва С.Т.Мустафаевалар тадқиқотларида ўз аксини топган⁴.

²Al-Ismail Yazid. Towards an interest-based approach to terminological competence acquisition. PhD dissertation. – Ohio: Kent State University, 2017. – 319 p.; Cabre M.T. Terminology: Theory, Methods and Applications / Ed. Juan C. Sager / - Amsterdam: Benjamins, 1998. – 248 p.; B.Helmi, Sonneveld. Kurt Loening. Terminology: applications in disciplinary communication. – John Benjamins Publishing Company, 1993. – 250 p.; Jamal Mohamed Giaber. Translating derivational suffixes in linguistic terminology from English into Arabic. PhD dissertation. – University of Edinburgh, 1999; Sue Ellen Wright & Gerhard Budin. Handbook of terminology management. – Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 2001. – 564 p.

³Антиминова В.В. Лексико-семантические и деривационные характеристики русской лингвистической терминологии: Дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2011. – 223 с.; Гатаулина В.И. Английская терминология в диахроническом освещении: Дисс. ... канд. филол. наук – Л., 1989. –16 с.; Колесникова Е.А. К проблеме становления русской лингвистической терминологии (вторая половина XVIII – первая треть XX вв.): лексикологический и лексикографический аспекты. Дисс. ... канд. филол. наук. – Красноярск, 2011. – 191 с.; Кулакова И.С., Салмина Д.С. Введение в металингвистику (системный, лексикографический и коммуникативно-прагматический аспекты лингвистической терминологии). – СПб.: САГА, 2002. – 351 с.; Лантюхова Н.Н., Загоровская О.В., Литвинова Т.А. Термин: определение понятия и его сущностные признаки. – Вестник Воронежского института ГПС МЧС России // Выпуск 1 (6), 2013. – С. ; Петросянц Э. Г. Лингвистическое терминопле: структура, семантика, деривация. – Пятигорск, 2004. – 187с.; Уткина Л.Н. Функциональные аспекты лингвистической терминологии в разных подходах к изучению языка: Автореф. Дисс. ... канд. филол. наук – М., 2001. – 28 с.

⁴М.Э.Умархўжаев. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук – М., 1972. – 25 с.; Ўша муаллиф. Основы фразеологии: Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – М., 1981. – 45 с.; Садыкова И.Х. Принципы составления англо-русско-узбекского учебного словаря юридических терминов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1998. – 174 с.; Нурматова С.Х. Истоки формирования и функционирование астроавиакосмической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 2000. – 24 с.; Турсунова О. Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланган ҳуқуқий терминларнинг лисоний таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2007. – 26 б.; Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типология тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2009. – 25 б.; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол. фан. д-ри дисс. – Т., 2016. – 255 б.; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 44 б.; Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясаиш усуллари: Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 45 б.; Мустафаева С.Т. Хитой тилшунослик терминологияси: Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 42 б.

Бинобарин, Мухаммед Гайбер лингвистик терминларнинг сўз ҳосил қилувчи суффиксларини инглиз ва араб тиллари мисолида тадқиқ этган бўлса, В.В.Антимирова рус тилшунослиги терминларининг лексик-семантик ва дериватив хусусиятларини ўрганган. Ўзбек тилшунослигида Д.Х.Кадирбекова ахборот-коммуникация технологиялари терминларининг инглиз ва ўзбек тилларидаги лингвистик хусусиятларини, С.Т.Мустафаева Хитой тилшунослик терминларининг лексик-семантик хусусиятларини илмий асослаган бўлса, Ҳ.В.Мирзахмедова форс тили транспорт терминлари ясаиш усулларини аниқлаган. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, тилшунослик терминлари турли тизимли тилларда қиёсий аспектда тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганилмаган ва ўзбек тилшунослигида қиёсий лексикография ислоҳ этилмаган ва ўз ечимини кутаётган соҳалардандир.

Тадқиқотда бошқа илмий ишлардан фарқли ўлароқ, тилшунослик терминларининг турли тиллар луғатларида, хусусан, изоҳли академик луғатларда берилиш масаласи терминографик ва қиёсий-чоғиштира аспектда тадқиқ қилинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетининг «Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари» йўналишидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз, рус ва ўзбек тиллари тилшунослик терминларини қиёсий-чоғиштира аспектда лексикографик нуқтаи назардан ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатларида берилган тилшунослик терминларини аниқлаш, жамлаш ва таснифлаш;

инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатларида талқин қилинган тилшунослик терминлари мавзуй гуруҳ ва таггуруҳларини аниқлаш;

тадқиқот объекти қилиб олинган тилшунослик терминларини терминография талаблари (қисқалик, мантиқан изчиллик, оммабоплик ва б.) нуқтаи назаридан тавсифлаб бериш;

тадқиқотда таҳлилга тортилган инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатларидаги ютуқ ва камчиликларни умумлаштириш;

изоҳли луғатларнинг кейинги нашрлари учун назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

илмий ва дидактик манбаларда терминларга берилган таърифларни тадқиқот материали қилиб олинган луғатлардаги таърифлар билан қиёслаб асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз, рус ва ўзбек тилшунослик терминлари белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз, рус ва ўзбек тиллари тилшунослик терминларининг лексикографик кодификацияси ва таснифи ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда морфо-семантик, статистик ва қиёсий - чоғиштира таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатларида тилшунослик терминларининг берилиши илк бор қиёсий-чоғиштира аспектда ўрганилиб, уларнинг тиллараро мазмуний мутаносиблик ва номутаносиблиги исботланган;

таҳлилга тортилган тилшунослик терминлари терминография талаблари: аниқлик, мантиқан изчиллик, тизимлилик, адабий тил меъёрларига мослиги, оммабоплик нуқтаи назаридан тавсифланган;

тилшунослик терминларининг тиллараро лексик-семантик хусусиятлари, изоҳли луғатларда кодификацияланиш миқдор кўрсаткичи аниқланган;

тилшунослик терминологияси асосида ўзбек тилида мазкур соҳа терминларини унификациялаш, уйғунлаштириш ва янги изоҳларини ишлаб чиқиш бўйича услубий ёндашувлар такомиллаштирилган;

луғатларга киритилмаган прагмалингвистика, гендер, когнитив тилшунослик, когнитивизм, дискурс сингари терминларнинг изоҳлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатларида берилган 1897 та тилшунослик терминлари жамланган, таснифланган, мавзуй гуруҳ ва таггуруҳларга ажратилган, қиёсий-чоғиштира ва статистик нуқтаи назардан асосланган;

инглиз, рус ва ўзбек тиллари тилшунослик терминлари терминография талаблари (аниқлик, мантиқан изчиллик, тизимлилик, оммабоплик) нуқтаи назаридан тавсифланган ҳамда луғатларга киритилган айрим тилшунослик терминларининг ва умуман киритилмаган тилшунослик терминларининг янги талқини ва изоҳлари ишлаб чиқилган;

изоҳли луғатларнинг кейинги нашрига тилшунослик терминларини киритиш бўйича услубий ёндашувлар такомиллаштирилган, назарий ва амалий тавсиялар таклиф қилинган;

«Ўзбек тили изоҳли луғати»нинг келгуси нашрига киритиш учун 160 дан ортиқ тилшунослик терминларининг изоҳлари ишлаб чиқилган ва уларнинг глоссарийси тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда жалб этилган назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, қўлланилган ёндашув усуллари, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унинг хулоса ва тавсиялари инглиз, рус ва ўзбек тили луғатларида лингвистик терминларнинг тузилиши

ва талқини ҳақида тизимли тасаввур ҳосил қилади, уларнинг бошқа фанлар терминологияси қаторидаги ўрнини аниқлашга имкон беради ва, умуман, инглиз, рус ва ўзбек тилшунослик терминлари тизими ҳақидаги билимларни бойитади, соҳага доир амалга ошириладиган тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида терминология, терминография, лексикология, лексикография назарияси фанларидан махсус курс ўтишда, шунингдек, ушбу фанлар бўйича дарслик, қўлланма ва услубий тавсиялар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқотнинг хулоса ва материалларидан инглиз, рус ва ўзбек тилларида ўтказиладиган амалий машғулотларда, курс ва малакавий битирув ҳамда ўқув қўлланма ва магистрлик ишларини ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли тизимли тиллардаги тилшунослик терминларининг тадқиқи жараёнида олинган илмий натижа ва хулосалар асосида:

терминология ва терминография мезонлари асосида терминларни лексикографик кодификациялаш, унификациялаш, тартибга солиш бўйича олинган илмий натижалардан давлат илмий-техника дастури доирасидаги И-2015-7-19-сон инновация лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 29 ноябрдаги ФТА-02-11/1213-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши «Русча-инглизча металлургия терминларининг ўзбекча изоҳли луғати»ни яратишда назарий асос бўлган;

замонавий тилшунослик йўналишларига доир терминлар, уларнинг тавсифи, таснифи ҳамда лексикографик тамойиллар ва ёндашувлар бўйича олинган илмий ва амалий натижалардан олий таълим тизими педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 январдаги 87-03-422-сон маълумотномаси). Таклиф қилинган илмий хулосалар тингловчиларнинг лексик, фразеологик ва лексикографик билимларни эгаллашда, терминология соҳасидаги билимларни ҳозирги замон тилшунослиги билан уйғунлаштиришда асос бўлиб хизмат қилган;

терминологиянинг тил тизимидаги ўрни, аҳамияти, хусусан, миллий терминологияни ривожлантиришда бошқа тиллардан кириб келган айрим терминларнинг тилимиздаги муқобилларидан фойдаланиш борасида олинган илмий ва амалий натижалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон 24» телерадиоканали томонидан тайёрланган туркум телекўрсатувда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 15 декабрдаги 02-09-225-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув мазмуни лисоний фактлар билан бойитилган ҳамда томошабинлар миллий терминологиянинг тил равнақидаги аҳамияти тўғрисида қимматли маълумотларга эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 19 та, жумладан, 4 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, улардан, 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 146 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, қўлланилган методлар тавсифланган, ишнинг илмий янгилиги баён қилинган, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти каби масалалар ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тилшунослик терминлар тадқиқининг назарий асослари**» деб номланиб, у уч фаслдан иборат. Ушбу бобнинг дастлабки фасли тилшуносликнинг мавзу мансуб соҳасига доир илмий ва таълимий адабиётларнинг шарҳига бағишланган. Аввало, терминнинг илм-фанда тутган ўрни, унинг тарихи ва функционал хоссаларини аниқлашга қаратилган ишларга мурожаат қилинди ва бир неча луғатда берилган таърифга асосланиб, *термин* деганда, муайян тушунчани аниқ ифодаловчи фан, техника, санъат ва бошқа турли соҳаларда қўлланувчи сўз ёки сўз бирикмаси тушунилиши асосланди.

Замонавий таърифлар орасида А.С.Герд қарашлари муайян илмий асосга эга. Олимнинг фикрича, термин – илм-фан тараққиётининг маълум даражасида мавжуд бўлган илмий тушунчанинг асосий хусусиятларини аниқ ва тўлиқ акс эттирадиган махсус терминологик маънога эга бўлган маълум табиий ёки сунъий тил бирлигидир (сўз ёки сўз бирикмаси)⁵. Бу қарашни О.С.Ахманованинг қуйидаги фикри ҳам тасдиқлайди: «Умуман, терминология фан тараққиётининг юксак даражасига эришгандагина пайдо бўлади, яъни термин мазкур тушунча мутлақо аниқ илмий ифода касб этгандан кейин эътироф этилади. Терминни нотерминдан фарқлашнинг муҳим воситаси уни илмий асосда таърифлаш мумкин, мумкин эмаслигидир»⁶.

В.Г. Гак терминнинг янгича таърифини бериб, унинг моҳиятини очиб беради ҳамда терминнинг тил луғавий тизимидаги ўрнини аниқлайди. У илмий адабиётларда терминни луғавий birlikларнинг алоҳида тури

⁵Герд А. С. Значение термина и научное знание // Научно-техническая информация. Сер. 2. – М., 1991. – №10. – С. 1- 4.

⁶Ахманова О.С. Терминология лингвистическая // Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С. 509.

сифатида қаралишига эътироз билдириб, «терми – функция, луғавий бирлик қўлланишининг бир кўриниши»⁷ деган фикрни билдиради. Унинг ёзишича, ниманидир ифодалайдиган ва тушунчалар қаторида муайян ўринни эгаллай оладиган ҳар қандай луғавий бирлик термин бўлиши мумкин. Шунингдек, ишда терминлашмаган ва терминлашган лексика орасидаги муносабат турлари ифода плани нуқтаи назаридан ўрганилган.

Термин ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар умумлаштириладиган бўлса, унинг қуйидаги хусусиятлари намоён бўлади: 1) тизимлилик; 2) таърифнинг мавжудлиги; 3) мазкур терминологик майдон доирасида моносемияга мойиллик; 4) услубий бетарафлик. Ҳар қандай термин ўзида ана шу хусусиятларни мужассам этган бўлиши шарт.

Терминологиянинг фан сифатида таркиб топиши австриялик О.В. Нубасов ва рус олими Д.С. Лоттенинг дастлабки ишларига бориб тақалади. Ҳозирги пайтда Австрия, Германия, Франция, Россия, Чехия каби мамлакатларда терминология мактаблари юзага келган.

Ҳозирги пайтда терминологияда илмий тадқиқотларнинг бир неча мустақил йўналиши юзага келган. Булар махсус лексика тараққиёти ва қўлланиши қонуниятларини ўрганадиган *назарий терминология*; термин ва терминологиядаги хато ва камчиликларни бартараф этиш, термин ва терминологияни тавсифлаш, баҳолаш, таҳрир қилиш, тартибга солиш, яратиш, қўллаш ва таржима қилиш бўйича тамойил ва тавсиялар ишлаб чиқувчи *амалий терминология*.

Маълумки, тилларда турли типдаги луғатларнинг асосий тури изоҳли луғатдир. Дарвоқе, бундай луғатларда сўзларнинг маъноси, қўлланилиши, фонетик, грамматик, стилистик маънолари ўз ифодасини топади.

Изоҳли луғатлар тиллардаги умумлексик бирликларни изоҳлаш билан бирга, ушбу тиллардаги маълум фан-техникага оид бўлган турли терминларни ҳам изоҳлаб беради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тилшунослик терминлари изоҳларига бир тилли луғатларда алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг мазмун-моҳиятини очишда иллюстратив (далилий) мисоллардан ҳам кенг фойдаланилади. В.Г. Гак изоҳли луғатда сўзликка доир асосий ва қўшимча маълумотлар, унинг этимологияси, грамматик тавсифи, тил меъёрига мослиги ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилганлигига диққатни қаратади. Унинг фикрича, изоҳли ва қисман таржима луғатларини тузишда қуйидаги уч тамойилга амал қилиш муҳим аҳамият касб этади: а) синхрония ва диахрониянинг ўзаро мослиги; б) тил ва нутқ талабларига амал қилиш; в) лингвистик ва экстралингвистик ахборот нисбатига эътибор бериш⁸. Бу тамойилларга амал қилиш луғатнинг мукамал бўлишини таъминлайди.

⁷ Гак В.Г. Асимметрия лингвистического знака и некоторые общие проблемы терминологии (семантические проблемы языка науки). Материалы научного симпозиума. – М.: МГУ, 1971. – С. 68-71.

⁸ Ўша манба. Б. – 462-464.

Бобнинг иккинчи фасли «Фонетик ва фонологик терминларнинг изоҳли луғатлардаги талқини» деб номланиб, унда фонетик терминларнинг изоҳли луғатларда берилиши хусусида фикр юритилган. Тадқиқот материали қилиб қуйидаги луғатлар танланди: инглиз тилининг «Оксфорд»⁹ луғати; С.И. Ожеговнинг «Словарь русского языка» луғати¹⁰ (келгусида луғат номи ўрнида «С.Ожегов» сўзини қўллаймиз); инглизча-русча лингвистик терминларни ўзбекча лингвистик терминлар билан қиёслаш ва луғатнинг кейинги нашрларини такомиллаштириш мақсадида 1981 йилда нашр этилган «Ўзбек тили изоҳли луғати», 2006-2008 йилларда чоп этилган «Ўзбек тили изоҳли луғати»дан фойдаландик (кейинги ўринларда «ЎТИЛ-1»¹¹, «ЎТИЛ - 2»¹² тарзида қўллаймиз). Мазкур манбаларда қуйидаги микдорда фонетик ва фонологик терминлар берилган:

Жадвал 1

Фонетик ва фонологик терминларнинг луғатларда берилиши

Фонетик ва фонологик терминларнинг умумий сони	«Оксфорд»	«С.Ожегов»	«ЎТИЛ-1»	«ЎТИЛ-2»
348 – 100%	122 – 35%	54 – 15,5%	79 – 22,7%	93 – 26,7%

Кўринадикки, «Оксфорд» луғатида бошқа луғатларга нисбатан кўпроқ фонетик ва фонологик терминлар берилган ва бу ҳолат мазкур луғатнинг анча мукамал эканлигини исботлайди.

Луғатларда берилган айрим терминлар изоҳи айнан ўхшаш, айримлари эса турлича берилган. Масалан, *акцент* термини изоҳини кўрадиган бўлсак, луғатларда бу терминга қуйидагича изоҳ берилган: «Оксфорд»: «Accent noun, verb noun [ˈæksent;-sənt] 1. [c,u] a way of pronouncing the words of a language that shows which country, area or social class a person comes from: a northern/Dublin/Indian/Scottish accent ° a strong/broad accent (=one that is very noticeable) ° She spoke English with an accent.–compare DIALECT» [7]. «С.Ожегов»: «Акцент, -а,м. 1. Ударение в слове, а также знак ударения (спец.). Поставить акцент. 3. Особенности выговора, свойственные

⁹Oxford Advanced Learner's Dictionary, 7th edition. – Oxford University Press, 2006. - 1715 p. (Кейинги ўринларда ушбу манбанинг саҳифасини кўрсатиш билан чекланамиз).

¹⁰Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. – М., 2007. - 938 с. (Кейинги ўринларда ушбу манбанинг саҳифасини кўрсатиш билан чекланамиз).

¹¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд // З.М.Маъруфов таҳрири остида. – М.: Рус тили, 1981. – 631 б. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд // З.М.Маъруфов таҳрири остида. – М.: Рус тили, 1981. – 715 б. (Кейинги ўринларда ушбу манбаларнинг жилди ва саҳифасини кўрсатиш билан чекланамиз).

¹²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 679 б.; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 671 б.; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 687 б.; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 606 б.; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд // А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 591 б. (Кейинги ўринларда ушбу манбаларнинг жилди ва саҳифасини кўрсатиш билан чекланамиз).

говорящему не на своём родном языке. *Говорить с южным, белорусским акцентом*» [21]. «ЎТИЛ-1»: «Акцент [р<лат] лингв. 1. Урғу, сўз урғуси. Урғу белгиси. 2. Она тилидан бошқа тилда сўзлагандаги ўзгалик хусусиятлари. *Рус тилида ўзбекча акцент билан гапирмоқ*» [1-ж., 37]. «ЎТИЛ-2»: «Акцент [лот. *accentus* – оҳанг; урғу] тли. Она тилидан бошқа тилда сўзлашганда, товушларни ўша тилдагидан бошқача ҳолда, ўз тили товушлари каби ёки унга яқин талаффуз этиш. *Ўзбекча акцент билан гапирмоқ*» [1-ж., 65].

Кўринадики, *акцент* терминига юқорида келтирилган таърифлар ҳам ҳажман, ҳам мазмунан ўзаро фарқланади. Агар «Оксфорд»да унинг от ва феъл сўз туркумларига оидлиги айtilган бўлса, бошқа луғатларда бу хусусият тилга олинмаган. Иккинчидан, терминнинг инглизча таърифида кўпроқ ижтимоий-этнографик моҳиятга эътибор қаратилган, *акцент*нинг «ЎТИЛ-2» даги изоҳи юқоридаги таърифга яқин. «С.Ожегов» ва «ЎТИЛ-1» даги қарашлар эса деярли бир хил. Изоҳлардаги ягона фарқ шундаки, «С.Ожегов»даги маълумот ҳам фонетик, ҳам социолингвистик мазмун касб этса, «ЎТИЛ-1»да фақат лингвистик маъно устунлик қилади. Шу нуқтаи назардан Русча-ўзбекча луғат (келгусида «РЎЛ»)да берилган изоҳ кенг қамровга эга. Қиёсланг: «Акце́нт м 1. урғу, акцент; урғу белгиси; 2. акцент (ўз она тилидан бошқа тилда сўзловчининг талаффузида сезилиб турадиган бошқачалик); говорить с акцентом – акцент билан гапирмоқ; 3. муз. ритмик урғу, вазн урғуси; айрим товуш ёки аккордни кучайтириш; делать акцент на чём – бирор нарсани алоҳида таъкидламоқ, таъкидлаб кўрсатмоқ, унга алоҳида урғу, эътибор бермоқ; расставить акценты – тегишли жойларни таъкидлаб (ёки чизиб) кўрсатмоқ»¹³.

Акцент термини талқинида яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Унда *урғу, сўз урғуси, урғу белгиси* каби маълумотлар иккинчи ўринга ўтиши лозим эди, чунки *урғуни* ифодаловчи сўз рус тилидаги *ударение*, инглиз тилида *stress* терминлари билан, *сўз урғуси* термини эса *словесное ударение, word stress* терминлари билан юритилади. *Урғу белгиси* бирикмаси эса рус тилидаги *знак ударения* терминининг таржимасидир. Қолаверса, бир гап ҳажмидаги жумлада *урғу, сўз урғуси, урғу белгиси* терминларининг берилиши ўқувчини чалғитиши мумкин. «С.Ожегов»да берилган «знак, котормым отмечається ударение» [21], «ЎТИЛ-1»да берилган «урғу белгиси» [1-ж., 37] каби таърифлар моҳиятан ўз ўрнида берилган эмас, чунки дарсликларда урғуни ифодалаш учун диакритик белгидан фойдаланилади. Биринчи планга эса, унинг этно ва социолингвистик характери чиқиши керак. Бинобарин, мазкур терминни шундай тавсифлаш мумкин: «Акцент [лот. *accentus* – урғу] лингв. 1. Талаффуз. Бошқа тилда сўзловчи кишиларнинг талаффузига хос ўзгачалик; 2. Урғу. ° Урғу бермоқ – алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқ; 3. *Айн. урғу*».

Луғатларда қайд этилган фонетик терминдан атиги 20 таси тўртта манбада (масалан, *акцент, артикуляция, фонетика, фонема, дифтонг, унли,*

¹³Русча-ўзбекча луғат, 2 томлик. – Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош Редакцияси, 1983. Т. 1. – Б. 28.

урзу) каби, 9 таси учта луғатда (масалан *диссимиляция, товуш, фонетист, портловчи*) каби, 20 таси (масалан, *редукция, гемината, консонантизм, метатеза* каби терминлар) 2 та луғатда берилган.

Юқоридаги таҳлил, қиёс ва талқинлар шуни кўрсатадики, фонетик ва фонологик терминларнинг катта қисми тадқиқ объектимидаги луғатларда изоҳланган. Бу изоҳлар тилшунослик илми амалиётида кенг қўлланмоқда. Бироқ бошқа тиллардан, хусусан, рус тилидан «калька» усулида таржима қилинган терминларнинг ҳаммаси ҳам ўзбек тили хусусиятларини ўзида акс эттирмайди. Шунинг учун инглиз, рус ва ўзбек тилидаги фонетик терминлар изоҳларини солиштириш жараёнида муштараклик (унификация) ва фарқлар мавжудлиги аниқланди. Тилда мавжуд, бироқ луғатларда акс этмаган терминларнинг янги изоҳи берилди, мавжуд изоҳлар такомиллаштирилди.

Бобнинг учинчи фасли «Орфографик ва орфоэпик терминларнинг изоҳли луғатларда берилиши» деб номланиб, унда орфография ва орфоэпияга оид терминлар таҳлили келтирилади. Давлатимизнинг тил сиёсатида орфография алоҳида ўрин тутади, чунки у бевосита фонетика, фонология, орфоэпия, нутқ маданияти, грамматика ва стилистика билан боғлиқдир. Бу ҳолат лексикографлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Мана шу юксак ижтимоий талаб нуқтаи назаридан қуйида орфографик терминларни луғатларимиз мисолида қиёсий ўрганиб чиқишга ҳаракат қиламиз. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, «Оксфорд»да 25 та (20%), «С.Ожегов»да 30 та (24%), «ЎТИЛ-1»да 30 та (24%) ва «ЎТИЛ-2»да 40 та (32%) орфографик термин берилган.

Кўринадикки, нашрларнинг янгиланиши жараёнида бундай терминларнинг салмоғи ошиб борган. Хусусан, «ЎТИЛ-2» фикримизни тасдиқлайди. Буни ўзбек лексикографиясининг сўнгги ютуқлари сифатида баҳолаш мумкин.

Таҳлил қилинган луғатларда *графема* ва ...*графия* фақат «Оксфорд»да, *дактилография, миххат* ва *фатҳа* фақат «ЎТИЛ-2»да қайд этилган. «ЎТИЛ-2»да ҳам *забар* ва ҳам *фатҳа* қайд этилган, лекин «ЎТИЛ-1»да фақат *забар* қайд этилган. Луғатларда *логография* термини ҳам киритилмаган

Маълумки, *орфоэпия* унли ва ундош товушларнинг, сўз ва бўғин, негиз ва аффиксларнинг адабий талаффуз меъёрларини белгилайди¹⁴. Бинобарин, тилларнинг софлиги ва барқарорлигини таъминлашда орфоэпиянинг ўрни бениҳоя катта. Луғатларда орфоэпияга доир терминларнинг берилиши қуйидагича: «Оксфорд»да 13 та (34.3%), «С.Ожегов»да 9 та (23.6%), «ЎТИЛ»ларнинг ҳар иккаласида ҳам 8 та (21%)дан термин берилган. Бунда кўзга ташланадиган биринчи белги «Оксфорд»да *орфоэпия* терминининг берилмаганлигидир. Бу термин «С.Ожегов»да ҳам, «ЎТИЛ-1» ва «ЎТИЛ-2»ларда ҳам берилган. Қиёсланг: «С.Ожегов»: «Орфоэ'пия,-и, ж. 1. Правила литературного произношения. 2.Само такое правильное произношение //

¹⁴Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Лексикология. Фонетика. Морфология. II нашри. - Т.: Ўқитувчи, 1975. - Б. 91.

прил. орфоэпи'ческий, -ая, -ое. Орфоэпические нормы [460]; «ЎТИЛ-1»: «Орфоэпия [р<грек] Сўзларни тўғри талаффуз қилиш ҳақидаги қоидалар; тўғри талаффуз» [1-ж., 544]; «ЎТИЛ-2»: «Орфоэпия [орфо..+ юн. epos – нутқ, талаффуз] 1. Сўзларни тўғри талаффуз қилиш ҳақидаги қоидалар; тўғри талаффуз. 2. Тилшуносликнинг шундай қоидалар тизимини ишлаб чиқадиган бўлими» [3-ж., 143]. Кўриб турганимиздек, учала луғатлардаги изоҳлар бир-бирига ўхшаш бўлиб, улардаги ягона фарқ «ЎТИЛ-2»да унинг иккинчи маъносининг ҳам берилишидир. «ЎТИЛ» нашрларида *орфоэпияга* нисбатан «тўғри талаффуз» бирикмаси ишлатилган. Бизнингча, «адабий талаффуз» изоҳи қўлланилса, термин моҳияти янада холис ёритилган бўларди.

Хуллас, орфография ва орфоэпия фонетикага чамбарчас боғлиқ тилшунослик бўлимларидан ҳисобланади. Шунинг учун уларга хос терминлар ҳам бир-бирини тақозо этиб туради. Орфографияда тўғри ёзиш қоидалари, орфоэпияда адабий талаффуз меъёрлари ўрганилади. Бу жараёнлар эса фонетиканинг объекти бўлган унли ва ундош товушлар, сўз ва бўғин, негиз ва аффикслар билан боғлиқ. Қиёслар давомида луғатлардаги орфографик ва орфоэпик терминлар статистикаси аниқланди. Шу асосда *алфавит, графика, фонография, талаффуз, дикция* сингари терминлар инглиз, рус ва ўзбек тилларига хос хусусиятлардан келиб чиқиб чоғиштирилганда, муштарак ва фарқли жиҳатлар кузатилди. Луғатлардаги талқинларга таяниб, тавсия қилган айрим янги изоҳларимиз кейинги нашрлар учун материал вазифасини ўтайди, деган умиддамиз.

Иккинчи боб «**Инглиз, рус ва ўзбек тиллари стилистик, лексик ва фразеологик терминларининг изоҳли луғатларда берилиши**» деб номланиб, уч фаслдан иборат. Биринчи фасл стилистик терминларнинг луғатлардаги талқинига бағишланади.

Стилистикани ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий мақсадларни амалга оширишни кўзлайди. Агар унинг амалий мақсади шахс ва жамият нутқ маданиятини шакллантириш бўлса, назарий аҳамияти шундаки, у тил тадқиқининг ўзига хос чўққисини, миллий нутқ маданиятини ривожлантиришнинг назарий асосини ташкил қилади¹⁵. Стилистик терминларни танлаш, қўллаш ва кодификациялашда илмий асосланган тамойилларга амал қилиш талаб этилади. Кузатишлар стилистик терминларнинг ўрганилган луғатларда қуйидаги миқдорда берилганлигини кўрсатади:

Жадвал 2

Стилистик терминларнинг луғатларда берилиши

Стилистик терминларнинг умумий сони	«Оксфорд»	«С.Ожегов»	«ЎТИЛ-1»	«ЎТИЛ-2»
131 – 100%	39 – 29,8%	32 – 24,4%	21 – 16%	39 – 29,8%

¹⁵ Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М., 1963. – С. 5-6.

Ушбу терминлардан фақат 18 таси ҳар тўрт луғатда берилган ва улардан айримлари талқинига мурожаат этамиз.

Аллегория терминига «Оксфорд»даги изоҳ анча муфассал баён қилинган: «Allegory [ˈæləgəri; NAmE -go:ri] *noun* [C, U] (pl. -ies) a story, play, picture, etc. in which each character or event is a symbol representing an idea or a quality, such as truth, evil, death, etc.; the use of such symbols: a political allegory ◇ the poet's use of allegory. See also FABLE ► allegorical [ˌæləˈgərɪkl; NAmE – go:ri] *adj.* an allegorical figure, novel. allegorically *adv.*» [37]. «С.Ожегов»да: «Аллего́рия, -и, ж. (книжн.) Иносказание, выражение чего-н. отвлеченного, какой-н. мысли, идеи в конкретном образе. *Говорить аллегориями* (неясно, с малопонятными намеками на что-н.). // *прил.* аллего́рический, -ая, -ое» [22]. «ЎТИЛ–1»да мазкур термин рус тили орқали ўзлашган юнонча сўз эканлиги, мавҳум тушунчаларни конкрет образ воситаси билан ифодалаш изоҳланиб, унинг маънодошлари (киноя, мажоз) келтирилган. «ЎТИЛ–2»да бу маълумотлар мисоллар билан бойитилган. «Оксфорд» ва «С.Ожегов» луғатларида терминнинг моҳияти атрофлича очиб берилган. «ЎТИЛ»лардаги изоҳда бир қадар мавҳумлик бор. Чунки *мажоз* сўзи *аллегория*га синоним, бироқ *киноя* маънодош бўлолмайди. Шундан келиб чиқиб, терминни қуйидагича изоҳлаш мумкин: «Мажоз [аллегория *юн.allēgoria* – киноя, шаъма, кесатик, қочирим] *лингв.* Мавҳум тушунчани образ воситасида тасвирлаш. Кўп маъноли *рамздан* фарқли ўлароқ, М. бир маъноли. Маъно ва образ орасидаги алоқа эса ўхшашлик асосида белгиланади: *қўлида тарози ушлаган аёл бу – адолат; ёвузлик – бўри; оқ – поклик* ва б. М. троп сифатида масал, ҳикоят, мақол, матал кабиларда кенг қўлланади».

Қуйида биз фақат битта луғатда берилган терминларни кузатамиз. Буни қуйидаги кесимда аниқлаштирамиз: «Оксфорд»да 7 та: *bathos, chiasmus, cliché, connotation, denotation, oxymoron, zeugma*; «С.Ожегов»да 2 та: *ананест, фигура*; «ЎТИЛ–2» да 6 та: *градация, муболага, параллелизм, услубият, услубиунослик, эвфония*.

«Оксфорд» ва «С.Ожегов»да изоҳланган терминларнинг ўзбек тили изоҳли луғатларида берилиши лозим, деб ўйлаймиз, чунки улар фанимизда мавжуд, кенг қўлланилган ва қўлланилиб келинмоқда. Шу жиҳатни инобатга олиб, уларнинг айримларини тавсиялар тарзида ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик.

II бобнинг иккинчи фасли «Лексик терминларнинг изоҳли луғатлардаги тадқиқи» деб номланиб, лесикологияга оид терминлар таҳлилига бағишланади. Луғат тузиш катта қийинчиликлар билан кечадиган жараёндир, чунки лексика тил қурилишининг тизимга солиш оғир кечадиган динамик сатҳдир. Қолаверса, баъзан полифункционал сўзларнинг мазмуний таркиби янгиланиб туради. Бу эса, сўз маъноларини қайси тартибда жойлаштириш, уларнинг қайсисини бирламчи, қайсисини эса иккиламчи эканлигини белгилашга монелик қилиб туради. Мазкур муаммони тадқиқот объектими сифатида танланган луғатларимиз мисолида таҳлил этамиз

Лексикологик терминларнинг луғатларда берилиши

Лексикологик терминларнинг умумий сони	«Оксфорд»	«С.Ожегов»	«ЎТИЛ-1»	«ЎТИЛ-2»
272 – 100%	72 – 26,4%	63 – 23,1%	59 – 21,6%	78 – 28,6%

Ушбу туркум терминлар орасида *аффикс* изоҳи билан боғлиқ қарашлар эътиборни тортади. «Оксфорд»да: «Affix noun [‘æfiks] (*grammar*) a letter or group of letters added to the beginning or end of a word to change its meaning. The prefix *un-* in *unhappy* and the suffix *-less* in *careless* are both affixes» [25]; «Ожегов»да: «Аффикс, -а, м. В грамматике: морфема, заключающая в себе словообразовательное или собственноформальное значение (приставка, суффикс, постфикс, флексия). // *прил.* аффикс’альный, -ая, -ое» [32].

Кўриб турганимиздек, «Оксфорд»да *аффикс* сўз маъносини ўзгартириш учун унинг боши ёки охирига қўйиладиган ҳарф ёки ҳарфлар гуруҳи, «С.Ожегов»да сўз ясовчи ёки соф формал маъно ифодаловчи морфема (приставка, суффикс, постфикс, флексия) сифатида талқин этилган бўлса, «ЎТИЛ»ларда қуйидагича изоҳланган: «ЎТИЛ–1»: «Ўзақларга қўшилиб, янги сўз ёки сўз формалари яшаш, турлаш учун хизмат қиладиган элемент, қўшимча» [1-ж., 64]; «ЎТИЛ–2»: «Сўзга қўшилиб, янги сўз ёки сўз шаклини ҳосил қилувчи тил бирлик» [1-ж., 119]. Бинобарин, мазкур изоҳлар *аффикс*га хос хусусиятларни, асосан, акс эттиради. Бироқ, бизнингча, унинг маъновий-функционал жиҳати тўлиқ очиб берилмаган. Чунки *аффикс* деганда «Оксфорд»да фақат префикс (*beginning*) ва суффикс (*end*); «С.Ожегов»да приставка, суффикс ва ҳ.к.нинг бир шакли; «ЎТИЛ»ларда сўз ва шакл ясовчи тил бирлиги, қўшимча сифатида тушунилган. Аслида эса *аффикс* қўшимча турлари (префикс, суффикс ва б.) билан умумийлик↔хусусийлик, бутун↔бўлак муносабатида бўлади. Демокчимизки, аффикс префикс, суффикс, инфикс, постфикс, флексия кабиларнинг умумий номи. Буни қуйидагича кўрсатиш мумкин: 1. Аффикс = префикс, суффикс, инфикс, постфикс, флексия ёки 2. Префикс, суффикс, инфикс, постфикс, флексия = аффикс. Шу асосда терминни қуйидагича таърифлаш мумкин: «Аффикс [*лот.* *Affixus* – бириктирилган] *лингв.* Сўз ясовчи ва шакл ясовчи қўшимчалар (префикс, суффикс, инфикс, постфикс, флексия кабилар)нинг умумий номи».

Статистика жараёнида фақат битта луғатда мавжуд лексик терминлар миқдори аниқланди: «Оксфорд»да 26 та, «С.Ожегов»да 7 та, «ЎТИЛ–2»да 11 та.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, «Оксфорд»да берилган терминларнинг кўлами кенгроқ. Уларни келгусида рус ва ўзбек тили изоҳли луғатларини тузиш жараёнида эътиборга олиш лозим. «С.Ожегов» ва «ЎТИЛ»

нашрларида берилган лексикографик терминлар изоҳи тушунчалар моҳиятини акс эттиради.

II бобнинг учинчи фасли «Фразеологик терминларнинг изоҳли луғатлардаги тадқиқи» деб номланади.

Маълумки, фразеологик тадқиқотлар асосан ўтган асрнинг иккинчи ярмида кенг кўламда олиб борилди. Фразеология деганда, бир тарафдан муайян тилдаги фразеологизмларнинг мажмуини ифодаловчи тушунча, иккинчи тарафдан *фразеологик бирикма*, *фразеологик бирлик*, *фразеологизм*, *турғун бирикма*, *фразема*, *ибора* терминлари синоними сифатида қўлланиб келади. *Фразеология* («*phraséologie*») термини дастлаб Европада Ш.Балли томонидан илмий муомалага олиб кирилган. Ўзбекистонда мазкур соҳа Ш.Раҳматуллаев, М.Умархўжаев, А.Маматов, Б.Йўлдошев сингари тилшунос олимлар томонидан махсус ўрганилган.

Кузатиш ва қиёслар асосида тадқиқот объекти бўлган луғатларда қуйидаги миқдорда фразеологик бирликлар аниқланди: «Оксфорд»да 7 та, «С.Ожегов»да 8 та, «ЎТИЛ–1»да 10 та ва «ЎТИЛ–2»да 13 тани ташкил этади.

Фразеологиянинг объекти (фразеологик бирлик, мақол-матал ва б.) масаласи мунозарали бўлганлиги боис ўрганган луғатларимизда унга доир терминлар сони нисбатан кам. Тилнинг бошқа терминлари каби фразеология қатлами бирликларининг ҳам маънодошлари келтирилади, бироқ уларнинг айнан бир хил термин эканлиги қайд этилмайди. Масалан, тўртала луғатда ҳам берилган *фразеология*, *ибора*, *идиома* – маънодош терминлар бунга яққол мисол бўла олади. Ҳолбуки, уларнинг фақат битта маънодошини шарҳлаб, қолганларини *айн.* ишораси билан бериш мумкин. Қуйида уларнинг талқинига тўхталамиз. *Фразеология* «Оксфорд»да «*the particular way in which words and phrases are arranged when saying or writing sth.*», «С.Ожегов»да: «Совокупность фразеологизмов и идиом какого-нибудь языка» тарзида таърифланган. «ЎТИЛ–1» ва «ЎТИЛ–2»да фразеологиянинг икки маъноси изоҳланган: 1) фразеология тилнинг фразеологизмларни ўрганадиган соҳаси; 2) тилдаги фразеологизмлар мажмуи.

«Оксфорд»даги таъриф фразеологиянинг Европа ва Америка тилшунослигида кам ўрганилганлигини кўрсатади. Луғатдаги талқинга кўра, *фразеология* сўз ва ибораларнинг оғзаки ва ёзма нутқда ишлатилишидир. Бундан ташқари, «С.Ожегов»да ушбу термин фразеологизм ва идиомаларнинг мажмуи сифатида тушунтирилган. Аслида бу икки термин ўзаро маънодошлик касб этади. «ЎТИЛ–1»да эса *фразеологизм* барқарор сўз бирикмалари ва ибораларни ўрганади, дейилган. Ҳозирги ўзбек тилшунослигида фразеологизм термини турғун сўз бирикмаларига синонимик тарзда ҳам қўлланмоқда. Шулар асосида терминни қуйидагича изоҳлаш мумкин: «Фразеология [*юн.* *phrasis* – ибора + *logos* – тушунча] *лингв.*

1. Тилдаги барча фразеологизм (ибора, идиома, турғун бирикма, фразема)лар мажмуи.
2. Тилшуносликнинг фразеологизм (ибора, идиома, турғун бирикма, фразема)ларни ўрганадиган соҳаси.
3. Фразеологизмлар бўйича билимлар

мажмуи, уларнинг таълимотидир. Турғун сўз бирикмаси *лингв. айн.* фразеологизм; Ибора *лингв. айн.* фразеологизм».

Учинчи боб «**Инглиз, рус ва ўзбек тиллари грамматик терминларининг изоҳли луғатларда берилиши**» деб номланиб, уч фаслдан иборат. Бобда грамматик терминлар морфология ва синтаксисга оид бирликларга бўлиб ўрганилди. Ўз навбатида, морфологик терминлар шартли равишда мустақил сўз туркумлари ва ёрдамчи сўз туркумларига оид гуруҳларга ажратилди.

М.В. Ломоносовнинг «Российская грамматика» (1757)сидан тортиб, то ўтган асрнинг 50-йилларигача чоп этилган грамматика китобларида объект қилиб фонетика, морфология, синтаксис олинган. Н.Ю. Шведова грамматика таркибига морфология, синтаксис ва сўз ясалиши бўлимларини ҳам киритади¹⁶. Айрим манбаларда грамматикага таъриф берилмасдан, бевосита унинг таркибий қисмлари, яъни объектлари ҳақида фикр юритилади¹⁷.

